

ТОШЛАР ҲАМ ГУВОҲЛИК БЕРМОҚДА!

05:00 / 07.03.2017 3445

Мўъжизалар олами

Тошкентдаги геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ишлаб чиқариш ва ўқув маркази илмий музейида кишини ҳайратда қолдирадиган икки тош парчаси сақланмоқда. Тошларда арабий ёзувлар битилган бўлиб ҳарфларнинг "илдизлари" тошларнинг ён томонидан ҳам кўриниб турибди...

Ҳарфлар тошларнинг бор бўйича ёзилган. Тошни қанча қирсангиз ҳам яна ўша шакл чиқаверади. Бу топилмаларни "тошкитоб" деса ҳам бўлади. Сарик рангли биринчи тош 1991 йили Бурчмулла атрофидаш Чотқол тоғ тизмаларидан, кулранг иккинчи тош эса Оҳангарон ҳудудидан қазиш ишлари давомида топилган.

Мазкур музей директори, айти чоқда, Амриқодаги Нью-Йорк академиясининг ҳақиқий аъзоси, қадимшунос Юсупов Рустам Гумировичнинг гувоҳлик беришича, тошлар тадқиқ қилиб курилганда, уларнинг 200-250 миллион (!) йил илгариги даврга оид эканлиги аниқланган.

Шарқшунослик илмгоҳи араб имлоси мутахассислари сариқ тошдан "Аллоҳ", "илаҳ", "Роббика илаҳ", "Муҳаммад", "Расулуллоҳ", "лаҳу", "ила", "фий", "ла", "ана" каби сўзларни ўқишди. Малайзия жумҳуриятидан ташриф буюрган мўътабар олимлар эса, кулранг тошда Қуръони Каримдан "Қадр" (Инна анзалнаҳу...) сурасининг оятларини ўқиб, хайратларга тушишди. Ушбу тошлар устидаги тадқиқотлар тугаганича йўқ. Ким билади дейсиз, табиатдаги кўзимизга илк қарашда оддийгина бўлиб кўринган бу мўъжаз тошлар яна не-не сир-синоат, ҳикматларни бағрида сақлаб турибди! Биз бу ноёб топилмалар ҳақида уззоқ тафсилотга берилмасдан, сўзимизни Фазилатли Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф хазратларининг "Тафсири Ҳилол" китобидаги Фуссилат сурасининг 53-оят тафсири билан яқунлашни мақбул топдик:

Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят-белгиларимизни кўрсатамиз. Токи уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя

қилмасмиди?! .

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бундан ўн беш аср илгари одамларга уфқлардаги ўз оят-белгиларини кўрсатиб, Қуръони Каримнинг ҳақлигини равшан этишни ваъда бермоқда. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Аллоҳ ваъдасига вафо қилади.

«Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят-белгиларимизни кўрсатамиз. Токи уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин».

Дарҳақиқат, ўтган давр ичида Аллоҳ таоло одамларга уфқларда, атроф-жонибида кўплаб ажойиботларни англатиб қўйдик, ўша белгиларни ўрганган одамлар Қуръоннинг ҳақ илоҳий китоб эканини тан олиб, мусулмон бўлмоқдалар. Ершунос, осмоншунос, табиатшунос, ҳайвоншунос ва бошқа турли соҳа олимлари Аллоҳнинг уфқларидаги оят-белгиларини ўрганиб, Аллоҳ таолога иймон келтирмоқдалар.

Шунингдек, инсоннинг ўзини ўрганган олимлар ҳам Қуръонни тан олмоқдалар. Ҳолбуки:

«Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?!»

Аллоҳ таолонинг ҳар бир каттаю кичик нарсага гувоҳ экани кифоя қилмасмидики, уларга оятларни кўрсатиш лозим бўлди.